

Зуфтуна РАСУЛОВА

НУРЛАР ОҢАНГИ

Қарши
«Насағ» нашриёти
2006

84(5y)6-5

Нурлар оҳанги... Уни ҳис қилиш учун кишида шоирона
ҳассос қалб бўлиши керак.

Бу нурлар оҳанги қалбимга

Экялти муҳаббат гулларин.

Жилоси ёритиб йўлларим,

Улғайтар фикримни кун сайин.

Мана сизга нурлар оҳангининг қалбга ташрифи!

Истеъоддли ёш шоира Зуфтуна Расулованинг мазкур
тўпламчасини ўқир экансиз, ундаги ўзига хос тарзда
ифода этилган гўзал ташбеҳлар, қўйилиб келган сатрлар
рухингизга ҳамоҳанг бўлади, деган ўйдамиз.

*

10-32390/0g1

2006	Alisher Navciy
952	nomidagi
A.	zbekiston Mif

P 4702620202-31 31-2006
376/(06)2006

З.Расулов, 2006 й.

ISBN 5-7323-0511-5

ВАТАН

Ватан билан ободдир күнгил,
Ватан, дея уради юрак.
Дўстим, унга меҳрингни қўйгил,
Усиз яшаб бўлмаса керак.

Қанчалар тўқ хорижда ўзбек,
Аммо Ватан, дея йиғлайди.
У ўзига бўлолмаса бек,
Ори учун бағрин тиғлайди.

Шунинг учун азиздир Ватан,
Каъбам, дея тавоғ этаман.
У - ғурурим, удир менга шаън,
Унга атаб шеърлар битаман.

ИСТИКЛОЛ

Ажойиб тонглар отди,
Кора кун тундек ботди,
Хурлигинг кўролмаган -
Фоғил тили тош қотди.

Оташдирсан, истиқлол,
Ёруғ менга истиқбол.
Бобом қиласлар дуо,
Қувончдан бўлиб хушхол.

Сенга умрлар тилай,
Мангу хизматинг қилай.
Хуррият байробини
Осмон тоқига илай.

ЎЗБЕК ЭЛИМ

Жаҳон танир элимни,
Нур ёритсин йўлимни.
Мен бир кичик қизиман,
Мустақил Ўзбекистонни.

Мехрим кўйиб яшайман,
Қўшиқ айтиб яшнайман.
Меҳнат-ла гуллатгайман,
Мустақил Ўзбекистонни.

Ўзбек элим тинч, обод,
Барча инсон хуррам, шод.
Униб ўссин ёш авлод,
Мустақил Ўзбекистонни.

Тоза бўлсин осмони,
Гулласин боғ-бўстони.
Кўпайсин пахта, дони,
Мустақил Ўзбекистонни.

Шарқираб оқсин доим,
Анҳорда зилол суви.
Муборак бўлсин унга,
Мустақил катта тўйи.

Жаҳон танир элимни,
Нур ёритсин йўлимни.
Шеъримда таъриф этай,
Мустақил Ўзбекистонни.

ҚИЗИМАН

Вужуд чарчоқни қувар,
Бахт дил ғуборин ювар,
Шодликлар мени сурар,
Хур ўзбекнинг қизиман.

Оппоқ толе йўлимда,
Кўп имконлар қўлимда,
Гуллар унар йўлимда,
Қашқадарё қизиман.

Осмонидир мусаффо,
Хавоси танга даво,
Юртимда янграр наво,
Истиқлолнинг қизиман.

ОНАМ АЛЛАСИ

Бир дилдор қўшиқдан сармастман,
Кулогим остида жаранглаб турар.
Оҳанги ром этган, сармастман,
У қўшиқ мен билан улғаяр.

Эзгулик сарига чорлайди,
Яратиш ишқида ёнаман.
Орзулар йўлимда порлайди,
Умидлар ортидан чопаман.

У қўшиқ онамнинг алласи,
Қалбимга ифорлар элайди.
Алла - бу келажак эртаси,
Умримни нурларга белайди.

ТЕМУР БОБОМ

Туронзамин асрлардан
Асрларга бўйлайди.
Темур бобомнинг руҳлари
Халқимизни қўллайди.

Тузуклари доим қўлда,
Ҳақгўйликка чорлайди.
Истиқболи ёруғ йўлда,
Қуёш каби порлайди.

Оқсарой Сароймулхоним
Ўтмишидан сўзлайди.
Ажиб-ажиб ривояти
Асрлардан бўйлайди.

Соҳибқирон бобом билан,
Арзиди фурур қилсак.
Руҳларини шод этамиз,
Тузукларин ёд билсак.

БАХОР МАНЗАРАСИ

Қалдироқ қалдираб, чақнади чақмок,
Бир лаҳза ёришди жумлаи жаҳон.
Сукунат чекинди, титради ҳар ёқ,
Гулдурак зарбидан она-Ер ҳайрон.

Куюндек бостириб келди-ю булут,
Шаҳд билан ёмғирин Ерга ташлади.
Калтақдан бошини эгди майса, ўт,
Куртаклар кўнглини бир дам ғашлади.

Хуршид жамолини кўрсатди шу дам,
Гулдурак исёни зумда чекинди.
Гуллар косасида ялтирас шабнам,
Шарроси ёмғирнинг овози тинди.

НАВРҮЗ

Қирларда түшалған лолалар,
Солланиб ўзини этади күэ-күэз.
Гулчамбар ясашар болалар,
Ташрифинг муборак гул Наврүз.

Осмонда товланған камалак,
Бир ажыб гўзаллик яратар.
Козонда қайнаган сумалак -
Хуш бўйи ўзига қаратар.

Наврўзда яшарап қир, дала,
Яшариб кетади ҳатто дил.
Кушлар кўйлаб ўтар бир гала,
Чаҳ-чаҳидан яйрайди кўнгил.

Тонглари отади ёришиб,
Таърифга тополмам битта сўз.
Гўзаллик кетади қоришиб,
Оlamга мўъжиза яратар Наврўз.

БАХОРЖОНИМ

Күёш чарақлаб кулиб,
Ерга нурларин сочди.
Киши қовоғи юмилиб,
Замин күрпасин очди.

Дараҳтлар тақиб балдоқ,
Қизғалдоклар очилди.
Үриклар гуллаб бодроқ,
Ифорлари сочилди.

Күнглим ёришиб бирдан,
Туйғуларим күз очди.
Огох бўлдим бир сирдан,
Кўзимдан уйқу қочди.

Бахоржоним, дилимга
Нелар ташлаб қочибсан.
Ўн етти ёшлигимга
Шеър ишқини сочибсан.

ХАЁТ

Умр - асов от мисол,
Кетаяпти югуриб.
Болалик, энди хуш қол,
Мендан кетдинг сурилиб.

Поёнсиз йил қатида
Кун, ойлар ётар тўлиб.
Хотиротнинг бағрида
Энди қолдинг туш бўлиб.

Хаёт, олов ёшлигим,
Нурга тўлдир қучоғин.
Баҳордай безагинки,
Унутмасин шу чоғин.

Бу фаслнинг бағрида
Ижод қиласай тўкиб тер.
Ҳеч бўлмаса бир лаҳза,
Буни менга қўйиб бер.

Умр - асов от мисол,
Кетаяпти югуриб.
Болалигим эсга сол,
Кўймай уни унутиб.

НУРЛАР ОҲАНГИ

Ой менга ўқийди эртаклар,
Нурлари силайди бошимни.
Руҳимни самога етаклар,
Унутиб тинглайман ўзимни.

Бу нурлар оҳанги қалбимга
Экяпти муҳаббат гулларин.
Жилоси ёритиб йўлларим,
Улғайтар фикримни кун сайин.

Онамнинг, юртимнинг меҳрини
Юракдан ҳар лаҳза сезаман.
Мени улғайтирган оҳанг сеҳрини
Бир куни шеър қилиб битаман.

ТЕРАК

Юксакка талпиниб ўсади,
Ўхшайди у мағрур одамга.
Шамоллар йўлини тўсади,
Чақирмас ҳеч зонги ёрдамга.

Ўз ўсган қўрғонин асрайди,
Ёввойи довуллар касридан.
У худди аскарга ўхшайди,
Тонмайди ҳеч қачон аҳдидан.

СӨГИНАМАН

Бувим Азида Рўзиеванинг ёрқин хотирасиға

Бувижон, бир сөгинч кўнглим ғашлайди,
Таскин ахтараман ўзимни алдаб.
Туннинг чодрасини юлиб ташлайди,
Мени улғайтирган сиз айтган эртак.

Кўнглимнинг бепоён кенгликларини
Ёритди, бойитди ҳикматларингиз.
Бевафо дунёнинг кемтикларини
Бувижон, илк бора сиз англатдингиз.

Дунёни танитди нигоҳларингиз,
Шуурим ёришди эзгу ҳислардан.
Бугун қўмсаяпман ўгитларингиз,
Айтинг, розимисиз бувим, бизлардан?

Қалбим ўртанганда қўлимдан тутди,
Мехрин нисор этди онажонгинам.
Сөгинч дил кўчамни тўлдириб ўтди,
Рухингиз тирикдир, бувижонгинам.

КАЛИШЧАМ

Самарқанддан бувижоним,
Ана, келиб қолдилар.
Құлларимга калиш тутиб,
Сүнг опичлаб олдилар.

Чиройли, юмшоққина,
Қаранглар, бирам ихчам.
Менга ёқди шундоққина,
Жажжигина калишчам.

Кулиб қараб қолиши
Ойим, дадам, укачам.
Энди оёғим бўлмас -
Билинглар, ҳеч қачон нам.

СИЗНИ СОФИНИБ...

Амаким Аҳрор Расулов хотирасига

Дунё - фоний деганлари рост экан,
Ёруғ күнни қоронғулаб кетдингиз.
Ажал - умр учун бамисли тикан,
Эрта кетиб ахир унда нетдингиз?

Отангиз, онангиз қўзида армон,
Рафиқангиз йўлингизда бўзлайди.
Отасизлик дардларига ким дармон -
Фарзандингиз жигар-бағрин тиғлайди.

Амакијон, дийдор бизга зор бўлди,
Ҳажрингизда семирди-ку андуҳлар.
Паймона дегани бунча тез тўлди,
Қалбимни қийнайди қайгулар.

На илож, жаннатдан тилайман жойлар,
Ўғлингиз жисмида бор сувратингиз.
Сизни унутмаймиз ўтса-да йиллар,
Фақат таскин берар суратларингиз.

МУНДАРИЖА

Ватан3
Истиқлол3
Ўзбек элим4
Қизиман5
Онам алласи.....	.5
Темур бобом6
Баҳор манзараси7
Наврӯз8
Баҳоржоним9
Ҳаёт.....	.10
Нурлар оҳангি11
Терак11
Софинаман.....	.12
Калишчам13
Сизни соғиниб.....	.14

АДАБИЙ-БАДИЙ НАШР

РАСУЛОВА ЗУФТУНА

НУРЛАР ОҲАНГИ

Шеърлар

Муҳаррир: З.Омонова.

Техник муҳаррир: Ч.Рахмонов.

Мусахҳих: З.Очилова.

Бадиий безакчи: Ж.Норқобилов.

ИБ 1032

Теришга 15.06. 2006 йилда берилди. Босишга 20.06.2006
йилда рухсат этилди. Бичими $84 \times 108 \frac{1}{32}$. Шартли босма
табоги 0,84. Шартли бўёқ-оттиск 0,90. Нашр босма тобоги 0,46.
40-2006-шартнома. 223-буортма. 150 нусхада. Эркин нархда.

«Насаф» нашриёти, 730018. Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ
кӯчаси, 22-уй.